

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил январь ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман суди Ургут тумани 1-сон касб-ҳунар мактаби биносида, очик сайёр суд мажлисида, ҳайъатда, судья А.Ахмадовнинг раислигида, ҳалқ маслаҳатчилари С.Ашуров ва С.Хамдамовлардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси У.Юнусовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Амонов, судланувчи М.Имомназаров ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳар “Самарқанд қонунчилари” адвокатлар ҳайъати адвокати М.Ниязов, вояга етмаган судланувчи Ш.Хурсанмуродов, Ш.Хурсандмуродов, Ю.Хурсанмуродов, М.Каримов ва уларнинг ҳимоячи Ургут шаҳридаги “Маъдиев Ғанихон” адвокатлик фирмаси адвокати С.Нуруллаев, вояга етмаган судланувчи Б.Латипов ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳар “Боғишамол ҳақиқати” адвокатлар ҳайъати адвокати А.Бекмухамедов, вояга етмаган судланувчиларнинг қонуний вакиллари Д.Раззоқова, Б.Сувонова, О.Нарзиев, Д.Раззоқова, жабрланувчи Ғ.Саидов ва унинг вакили Самарқанд шаҳар “Эзгу фикр” адвокатлик фирмаси адвокати Т.Мелибоев, фуқаровий даъвогар Д.Жакбаров ва М.Рузиқуловларнинг иштирокида, Имомназаров Муродулло, Хурсанмуродов Шертой Шухрат ўғли, Хурсандмуродов Шерниёз Шухрат ўғли, Хурсанмуродов Юнус Зариф ўғли, Каримов Меҳриддин Саъдулло ўғли, Латипов Баҳодир Акбар ўғлиларга нисбатан 1-1416-2002/225-сонли жиноят ишини кўриб чикди. Иш ҳужжатларига кўра:

Имомназаров Муродулло (Imomnazarov Murodullo) – 2000 йил 28 март куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Ургут тумани, “Қуйи Алгар” маҳалласи яшайди, мазкур иш бўйича 2020 йил 11 октябрь кунидан “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 21 декабрь куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми “б” банди ва 169-моддаси 4-қисми “в” банди билан айбланган.

Вояга етмаган Хурсанмуродов Шертой Шухрат ўғли (Xursanmurodov Shertoy Shuxrat o'g'li) - 2006 йил 19 октябрь куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ургут туман ХТБга қарашли 29-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Ургут тумани,



“Ипакли” маҳалласида яшайди, мазкур иш бўйича “шахсий кафиллик бериш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 21 декабрь куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” банди билан айбланган.

Вояга етмаган Хурсандмуродов Шерниёз Шухрат ўғли (Xursandmurodov Sherniyoz Shuxrat o'g'li) - 2005 йил 17 июль куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ургут туман ХТБга қарашли 29-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Ургут тумани, “Ипакли” маҳалласида яшайди, мазкур иш бўйича “шахсий кафилликка бериш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 21 декабрь куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” банди билан айбланган.

Вояга етмаган Хурсанмуродов Юнус Зариф ўғли (Xursanmurodov Yunus Zarif o'g'li) - 2004 йил 12 atdhfkm куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ургут туман ХТБга қарашли 120-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Ургут тумани, “Ипакли” маҳалласида яшайди, мазкур иш бўйича “шахсий кафилликка бериш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 21 декабрь куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” банди билан айбланган.

Вояга етмаган Каримов Меҳриддин Саъдулло ўғли (Karimov Mehriddin Sa'dullo o'g'li) - 2005 йил 25 июнь куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ургут туман ХТБга қарашли 29-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Ургут тумани, “Ипакли” маҳалласида яшайди, мазкур иш бўйича “шахсий кафилликка бериш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 21



декабрь куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” банди билан айбланган.

Вояга етмаган Латипов Баҳодир Акбар ўғли (Latipov Bahodir Akbar o'g'li) - 2005 йил 20 май куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ургут туман ХТБга қарашли 81-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Ургут тумани, “Юқори Тегана” маҳалласида яшайди, мазкур иш бўйича “шахсий кафиликка бериш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2020 йил 21 декабрь куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” банди билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,-

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Имомназаров Муродулло - ўзганиг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, вояга етмаган Хурсандмуродов Шерниёз Шухрат ўғли, Хурсанмуродов Юнус Зариф ўғли, Каримов Меҳриддин Саъдулло ўғли, Хурсанмуродов Шертой Шухрат ўғлиларни вояга етмаганлигини олдиндан била туриб, уларни ўғирлик, яъни ўзганинг пайнет шаҳобчасига ғайриқонуний равишда кириб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилишга жалб қилиб, 2020 йил 26 май куни соат 22:30да Ургут тумани “Аълохотин” маҳалласи ҳудудида жойлашган Саидов Ғолиб Асқаржон ўғлига тегишли “Хилол Сифат” МЧЖга қарашли “пайнет” шаҳобчаси ичидан вояга етмаган Ш.Хурсанмуродов томонидан 3 дона қўл телефон аппаратларини ғайриқонуний равишда талон-торож қилиш жиноятига жалб қилган, шунингдек 2020 йил 28 август соат 00:44ларда, вояга етмаган шахсларни Ургут туман “Аълохотин” маҳалласи ҳудудида жойлашган Саидов Ғолиб Асқаржон ўғлига тегишли бўлган “Хилол Сифат” МЧЖга қарашли “пайнет” шаҳобчаси ичидан кўп миқдордаги 102.000.000 сўм пулларни яширин равишда талон-торож қилиш жиноятига жалб қилган.

Судланувчи Имомназаров Муродулло, вояга етмаган Каримов Меҳриддин Саъдулло ўғли, Хурсанмуродов Юнус Зариф ўғли, Хурсандмуродов Шерниёз Шухрат ўғли, Хурсанмуродов Шертой Шухрат ўғлилар ўзаро жинойий тил бириктиришиб, бир гуруҳ бўлишиб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2020 йил 26



май куни соат 22:30ларда Саидов Ғолиб Асқаржоновичнинг Ургут тумани “Аълохотин” маҳалласи худудида жойлашган “Хилол Сифат” МЧЖга қарашли “пайнет” шаҳобчаси олдиға келишиб, М.Имомназаровнинг кўрсатмаси асосида, вояға етмаган М.Каримов атрофни кузатиб турганлиги, М.Имомназаров, Ш.Хурсанмуродов, Ю.Хурсанмуродовлар эшик паласини тортиб турганидан фойдаланиб, хона ичиға вояға етмаган Ш.Хурсанмуродов ғайриқонуний равишда кириб, пайнет шаҳобчаси ичида бўлган шкаф ичидан бир дона бозор баҳоси 1.100.000 сўмлик “Migo” русумли телефон аппарати, бир дона бозор баҳоси 1.600.000 сўмлик “Redmi-8” русумли телефон аппарати ва бир дона бозор баҳоси 1.500.000 сўмлик “Redmi-6” русумли телефон аппаратларини қонунға хилоф равишда эгаллаб, воқеа жойидан яшириниб, Ургут тумани “Ўрамас” маҳалласи ички йўлида, ноқонуний равишда қўлға киритилган бир дона “Migo” русумли телефон аппарати ва бир дона “Redmi-8” русумли телефон аппаратини М.Имомназаров ўзига олиб қолганлиги, “Redmi-6” русумли қўл телефон аппаратини гуруҳ иштирокчиларига тақсимлаб берганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, судланувчи Имомназаров Муродулло, вояға етмаган Каримов Меҳриддин Саъдулло ўғли, Хурсанмуродов Юнус Зариф ўғли, Хурсанмуродов Шерниёз Шухрат ўғли, Хурсанмуродов Шертой Шухрат ўғли, Латипов Баходир Акбар ўғлилар олдиндан жиноий тил бириктиришиб, бир гуруҳ бўлишиб, ўзганинг кўп миқдордаги мол-мулкни яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2020 йил 28 август соат 00:44ларда, Саидов Ғолиб Асқаржоновичнинг Ургут тумани “Аълохотин” маҳалласи худудида жойлашган “Хилол Сифат” МЧЖга қарашли “пайнет” шаҳобчаси олдиға келишиб, М.Имомназаровнинг кўрсатмалари асосида вояға етмаган М.Каримов ва вояға етмаган Б.Латиповни таҳминан 50 метр узоқда кузатувчи сифатида қолдиришиб, М.Имомназаров, вояға етмаган Ш.Хурсанмуродов ва Ю.Хурсанмуродовлар эшик паласини тортиб турганидан фойдаланиб, хона ичиға вояға етмаган Ш.Хурсанмуродовни ғайриқонуний равишда киритишиб, унга хона ичида бўлган касса аппарати остидаги пулларни турганлиги айтиб, вояға етмаган Ш.Хурсанмуродов томонидан хона ичидан, бир дона целлофан пакетига қадоқланган 102.000.000 сўм пулларни М.Имомназаров хона ташқарисида турган ҳолда олиб, ноқонуний йўлар билан қўлға киритилган пулларни Ургут тумани “Мирзақишлоқ” маҳалласи ички йўлиға олиб келиб, шундан 37.000.000 сўм пулларни ўзига олиб қолиб, 65.000.000 сўм пулларни жиноий шерикларига тақсимлаб берганлиги аниқланган.

Судда сўралган судланувчи Имомназаров Муродулло ўз кўрсатувида, унга қўйилган айбига иқрорлик билдирмасдан, ҳақиқатдан ҳам 2020 йил 15 июль куни унинг олдиға танишлари Ш.Хурсанмуродов ва Ю.Хурсанмуродовлар келишиб, унга “Redmi-8” русумли телефон аппаратини сотиб олишни таклиф қилишганлигини, у улар билан авдолашиб сотиб олганлигини, орадан бир ойлар ўтиб унинг олдиға



профилактика инспектори келиб, “сени номингга кредит олинган” деб айтиб, ундан фуқаролик паспортини сўраганлигини ва уни Ш.Хурсанмуродовнинг яшаш уйига олиб борганлигини, Ш.Хурсанмуродовнинг угай онаси Ш.Хурсанмуродовни дала майдонига чиқиб кетганлигини айтганлигини, сўнгра Ш.Хурсанмуродовни ҳам топишиб, иккаласини Ургут туман ИИО ФМБ 2-сон ИИБга олиб боришиб, у ерда уларга босим ўтказишиб, уларни уришганлигини, орадан бир ой вақт ўтганидан сўнг ИИБ ходимлари келишиб, “телефонни қаердан олгансан” деб сўрашганида, у Ю.Хурсанмуродовдан сотиб олганлигини айтганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари унга босим ўтказишиб, уни уриб-дўппослаб, у ўғирлик қилмаган бўлса-да 2020 йил 26 май куни ва 2020 йил 28 август кунлари Ургут тумани “Аълохотин” маҳалласи худудида жойлашган “Хилол Сифат” МЧЖга қаршли “пайнет” шаҳобчасида Каримов Мехриддин, Хурсанмуродов Юнус, Хурсанмуродов Шерниёз, Хурсанмуродов Шертой ва Латипов Баходирлар билан бирга ўғирлик қилганлигини бўйнига қўйишганлигини, бироқ у содир этилган иккала ўғирликда ҳам бўлмаганлигини, қолган судланувчилар унга нисбатан тухмат қилишаётганлигини, у Ю.Хурсанмуродовдан олган телефонни таниши Д.Жакбаровга 1.100.000 сўмга сотганлигини, унга нисбатан қонуний ёрдам беришни сўраган.

Судда қонуний вакили Д.Раззоқова иштирокида сўралган вояга етмаган судланувчи Хурсанмуродов Шертой Шухрат ўғли ўз кўрсатувида, айбига тўлиқ иқрорлигини, у Ургут тумани “Қуйи Алгар” маҳалласида яшовчи М.Имомназаров билан кўчада танишиб қолганлигини, 2020 йилнинг май ойида М.Имомназаров у, Ю.Хурсанмуродов, Ш.Хурсанмуродов, М.Каримовларни йиғиб, Ургут тумани “Аълохотин” маҳалласида жойлашган “пайнет” шаҳобчасига кириб, ўғирлик қилишларини айтганлигини, шундан сўнг 2020 йил 26 май куни унинг олдида Ю.Хурсанмуродов келиб “болаларни йиғ, Аълохотин маҳалласида жойлашган пайнет шаҳобчасига ўғирликка қирамиз” деб айтганлигини, шундан сўнг Ш.Хурсанмуродов, Ю.Хурсанмуродов, М.Каримов, М.Имомназаровлар билан биргаликда “пайнет” шаҳобчасини олдида боришганлигини, ушбу пайнет шаҳобчасининг олдида светофор жойлашган бўлиб, М.Имомназаров светофор олдида қолганлигини, Ш.Хурсанмуродов, Ю.Хурсанмуродов ва М.Каримов пайнет шаҳобчасини эшигини тортиб туришганлигини, уни жуссаси кичик бўлганлиги сабабли, пайнет шаҳобчаси ичига кирганлигини, у “пайнет” шаҳобчасига ичкарасига кириб, ҳамма жойга бирма-бир қараб чиқиб, “пайнет” шаҳобчасидан 2 дона кўк, 1 дона қора рангли ишлатилган телефонларни олиб, телефонларни ташқарига узатиб юборганлигини, Ш.Хурсанмуродов, Ю.Хурсанмуродов ва М.Каримовлар эшикни тортиб туришганлиги сабабли, телефонларни М.Имомназаров олганлигини, кейин у “пайнет” шаҳобчасидан чиққанлигини, шундан кейин уларнинг ҳаммаси “Қуйи Алгар” маҳалласига бориб, М.Имомназаров у томонидан пайнет шаҳобчасидан ўғирлаб олиб чиқилган 1 дона кўк рангли телефон, 1 дона



қора рангли телефонларни ўзига олиб қолиб, қолган 4 кишига бир дона кўк телефонни берганлигини, шундан сўнг Ш.Хурсандмуродов, Ю.Хурсанмуродов ва М.Каримовлар билан ушбу бир дона телефонни 800.000 сўмга “Юқори Тегана” маҳалласида яшовчи, кейинчалик билишича М.Рузиқуловга сотишганлигини ва тўрталаси пулларни 200.000 сўмдан бўлиб олишганлигини, сўнгра шу пуллардан тўрталаси 60.000 сўмдан ишлатиб товуқ ейишганлигини, қолган пулларни эса дўкондан нарса олишга ишлатиб юборишганлигини, 2020 йил 27 август кунини у, акаси Ш.Хурсандмуродов, Ю.Хурсанмуродов, М.Каримов ва М.Имомназаровлар билан биргаликда яна Ургут тумани “Аълохотин” маҳалласида жойлашган “пайнет” шаҳобчасига киришни режалаштириб, “Алгар” маҳалласи томондаги светофор олдида М.Каримов туриб, у ҳам атрофни кузатиб туриши керак бўлишганлигини, сўнгра Ш.Хурсандмуродов, Ю.Хурсанмуродов ва М.Имомназаров “пайнет” шаҳобчаси эшигини тортиб туришиб, у “Пайнет” шаҳобчаси ичкарасига кирганлигини, шунда унга М.Имомназаров “тўғрида пуллар бор, шу пулларни оласан” деб айтганлигини, шундан сўнг у касса апаратини олдида бўлган қора целофон пакетдаги пулларни олганлигини, лекин пакет ичида қанча пул борлигини билмасдан, пакетни М.Имомназаровга узатиб юборганлигини, кейин ўзи “пайнет” шаҳобчасидан чиққанлигини, бу вақтда соат 24:00лар бўлиб қолганлигини, шундан сўнг уларнинг ҳаммаси “Қуйи Алгар” маҳалласида жойлашган тепалик олдида боришиб, у ерда М.Имомназаров қора целофанни очиб, “ҳаммаларинг яхши ишладилар, энди пулларни тақсимлаймиз” деб айтиб, пулни санаб кўришганида пул 90.0000.000 сўм чиққанлигини, сўнгра М.Имомназаров М.Каримовга 15.000.000 сўм, Ю.Хурсанмуродовга 10.000.000 сўм, Ш.Хурсандмуродовга 15.000.000 сўм ва унга 10.000.000 сўм пул берганлигини, қолган пулларни эса М.Имомназаров ўзида олиб қолганлигини, кейин ҳаммаси уй-уйларига тарқалиб кетишганлигини, шундан сўнг акаси Ш.Хурсандмуродов билан ўғирлаган пулларини яшириб қўйиш мақсадида Ургут тумани “Халқобод” маҳалласида жойлашган ва ўзларига тегишли бўлган дала майдонидаги хаснинг тагига яшириб қўйишганлигини, шундан кейин ушбу пуллардан бир қисмини сарфлашганлигини, у ўзига Тайлоқ тумани “Жумбозор” маҳалласидаги бозордан 1.300.000 сўмга қора рангли икки ғилдиракли велосипед, 1.300.000 сўмга қора рангли J2 русумли телефон апарати олганлигини, акаси Ш.Хурсандмуродов ҳам шундай нарсаларни олганлигини, кейин ўзларига тегишли дала майдонидаги хас тагида қолган пулларни яшириб қўйишганлигини, ўша ерга пул қўйишганлигини Б.Латипов билганлигини ва у ушбу ҳақида М.Имомназаровга айтган бўлганлигини, шундан сўнг у ерга М.Имомназаров келиб, улар акаси иккаласи яшириб қўган жами 15.000.000 сўм пулларни олиб кетганлигини, лекин М.Имомназаров пулларни олганлигини тан олмаётганлигини, 2020 йил 26 май кунини ва 2020 йил 27 август кунини ўғирликда Б.Латипов бўлмаганлигини, бироқ Б.Латипов ўғирликдан хабардор бўлиб, унинг аяси сўчага чиқишга рухсат бермаганлиги сабабли, у М.Имомназаровдан



алоҳида 10.000.000 сўм олиб, Б.Латиповга берганлигини, ҳозирда у қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини баён қилиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраган.

Судда қонуний вакили Д.Раззоқова иштирокида сўралган вояга етмаган судланувчи Хурсанмуродов Шерниёз Шухрат ўғли ўз кўрсатувида, айбига тўлиқ иқрорлигини, у Ургут тумани “Қуйи Алгар” маҳалласида яшовчи М.Имомназаров билан кўчада танишиб қолганлигини, 2020 йилнинг май ойида М.Имомназаров у, укаси Ш.Хурсанмуродов, Ю.Хурсанмуродов, М.Каримовларни йиғиб, Ургут тумани “Аълохотин” маҳалласида жойлашган “пайнет” шаҳобчасига кириб, ўғирлик қилишларини айтганлигини, шундан сўнг 2020 йил 26 май куни Ш.Хурсанмуродов, Ю.Хурсанмуродов, М.Каримов, М.Имомназаровлар билан биргаликда “пайнет” шаҳобчасини олдига боришганлигини, ушбу пайнет шаҳобчасининг олдида светофор жойлашган бўлиб, М.Имомназаров светофор олдида қолганлигини, у, Ю.Хурсанмуродов ва М.Каримов пайнет шаҳобчасини эшигини тортиб туришганлигини, укаси Ш.Хурсанмуродов жуссаси кичик бўлганлиги сабабли, пайнет шаҳобчасини ичига кириб, 2 дона кўк, 1 дона қора рангли ишлатилган телефонларни олиб, телефонларни ташқарига узатиб юборганлигини, у, Ю.Хурсанмуродов ва М.Каримовлар эшикни тортиб туришганлиги сабабли, телефонларни М.Имомназаров олганлигини, кейин укаси Ш.Хурсанмуродов “пайнет” шаҳобчасидан чиқиб, ҳаммаси “Қуйи Алгар” маҳалласига бориб, М.Имомназаров 1 дона кўк рангли телефон, 1 дона қора рангли телефонларни ўзига олиб қолиб, қолган 4 кишига бир дона кўк телефонни берганлигини, шундан сўнг у, укаси Ш.Хурсанмуродов, Ю.Хурсанмуродов ва М.Каримовлар ушбу бир дона телефонни 800.000 сўмга “Юқори Тегана” маҳалласида яшовчи, кейинчалик билишича М.Рузиқуловга сотишганлигини ва тўрталаси пулларни 200.000 сўмдан бўлиб олишганлигини, сўнгра шу пуллардан тўрталаси 60.000 сўмдан ишлатиб товуқ ейишганлигини, қолган пулларни эса дўкондан нарса олишга ишлатиб юборишганлигини, 2020 йил 27 август куни у, укаси Ш.Хурсанмуродов, Б.Латипов, Ю.Хурсанмуродов, М.Каримов ва М.Имомназаровлар билан биргаликда яна Ургут тумани “Аълохотин” маҳалласида жойлашган “пайнет” шаҳобчасига киришни режалаштириб, Б.Латипов кўчанинг “Мирзақишлоқ” маҳалласига бурилиш жойида туриб, бирор бир киши келиб қолса огоҳлантирадиган бўлганлигини, “Алгар” маҳалласи томондаги светофор олдида М.Каримов туриб, у ҳам атрофни кузатиб турадиган бўлганлигини, сўнгра у, Ю.Хурсанмуродов ва М.Имомназаров “пайнет” шаҳобчаси эшигини тортиб туришиб, укаси Ш.Хурсанмуродов “Пайнет” шаҳобчаси ичкарасига кирганлигини, шунда М.Имомназаров укаси Ш.Хурсанмуродовга “тўғрида пуллар бор, шу пулларни оласан” деб айтганлигини, шундан сўнг укаси Ш.Хурсанмуродов “пайнет” ичидан қора целофон пакетдаги пулларни олиб, пакетни М.Имомназаровга узатиб юборганлигини, бу вақтда соат 24:00лар бўлиб



қолганлигини, шундан сўнг уларнинг ҳаммаси “Қуйи Алгар” маҳалласида жойлашган тепалик олдига боришиб, у ерда М.Имомназаров қора целофанни очиб, “ҳаммаларинги яхши ишладилар, энди пулларни тақсимлаймиз” деб айтиб, пулни санаб кўришганида 90.0000.000 сўм чиққанлигини, сўнгра М.Имомназаров М.Каримовга 15.000.000 сўм, Ю.Хурсанмуродовга 10.000.000 сўм, Б.Латиповга 15.000.000 сўм, укаси Ш.Хурсанмуродовга 10.000.000 сўм унга эса 15.000.000 сўм пул берганлигини, қолган пулларни М.Имомназаров ўзида олиб қолганлигини, кейин ҳаммаси уй-уйларига тарқалиб кетишганлигини, у укаси Ш.Хурсанмуродов билан ўғирлаган пулларини яшириб қўйиш мақсадида Ургут тумани “Халқобод” маҳалласида жойлашган ва ўзларига тегишли бўлган дала майдонидаги хаснинг тагига яшириб қўйишганлигини, шундан кейин ушбу пуллардан бир қисмини сарфлашганлигини, у ўзига Тайлоқ тумани “Жумбозор” маҳалласидаги бозордан 1.300.000 сўмга қора рангли икки ғилдиракли велосипед, 1.300.000 сўмга қора рангли J2 русумли телефон аппарати олганлигини, укаси Ш.Хурсанмуродов ҳам шундай нарсаларни олганлигини, кейин ўзларига тегишли дала майдонидаги хас тагида қолган пулларни яшириб қўйишганлигини, ўша ерга пул қўйишганлигини Б.Латипов билганлигини ва у ушбу ҳақида М.Имомназаровга айтган бўлганлигини, шундан сўнг у ерга М.Имомназаров келиб, улар укаси иккаласи яшириб қўйган жами 15.000.000 сўм пулларни олиб кетганлигини, лекин М.Имомназаров пулларни олганлигини тан олмаётганлигини, ҳозирда у қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини баён қилиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраган.

Судда қонуний вакили Б.Сувонова иштирокида сўралган вояга етмаган судланувчи Хурсанмуродов Юнус Зариф ўғли ўз кўрсатувида, айбига тўлиқ иқрорлигини, у Ургут тумани “Қуйи Алгар” маҳалласида яшовчи М.Имомназаров билан кўчада танишиб қолиб, у билан учрашган вақтларида гаплашиб турганлигини, 2020 йил 27 август куни у кечаси соат 22:00ларда яшаш уйида ухлаб ётганида Ш.Хурсанмуродов ва Ш.Хурсанмуродовлар уни чақириб келишганлигини, шу вақтда отаси З.Хазратқулов чиқиб улардан нима учун келганлигини сўраганида, улар у кишига даштда бўлган отларни олиб келишга ёрдам бериши кераклигини айтишганлигини, у уйдан ташқарига чиққанида кўчада уйдан тахминан 50-100 метр узоқликда М.Имомназаров, Б.Латипов ва М.Каримовларни турганлигини кўриб, уларнинг олдига борганлигини, шунда М.Имомназаров “бир жойдан ўғирлик қиламиз” деб айтганлигини, шунда у ларга “ўғирлик қилмайман” деб айтганлигини, лекин М.Имомназаров “кўпроқ бўлсак тез бўлади юргин” деб айтганлигини, шунда у рози бўлганлигини, шундан сўнг “Аълохотин” маҳалласида жойлашган “пайнет” шаҳобчаси олдидаги светофор олдида М.Имомназаров ким нима қилишини айтганлигини, шу куни юқорида “Аълохотин” маҳалласи томонда жойлашган светофор олдида М.Каримов, қарама-қарши томондан Б.Латипов туриб, атрофни кузатиб туришганлигини, сўнгра у,



М.Имомназаров, Ш.Хурсандмуродов ва Ш.Хурсанмуродов “пайнет” шаҳобчаси олдиға боришганлигини, “пайнет” шаҳобчаси эшигини ости қисмидан М.Имомназаров, Ш.Хурсандмуродов ва у қўллари билан тортиб туришганлигини, эшикнинг остки қисми озроқ очилгандан сўнг бир киши кириши учун жой очилганлигини ва ушбу жойдан Ш.Хурсанмуродов жуссаси кичик бўлганлиги сабабли, ичкариға кирганлигини, шунда М.Имомназаров Ш.Хурсанмуродовға “хонани ичига киргандан тўғрида пул бўлиши керак” деб айтганлигини, шунда Ш.Хурсанмуродов эшик олдиға келганида келганида, улар эшикни ости қисмини тортиб жой очишганлиги ва Ш.Хурсанмуродов ичкаридан туриб қора рангли целофан пакетни узатганлигини, пакетни М.Имомназаров олганлигини, шундан сўнг Ш.Хурсанмуродов ичкаридан чиқиб, улар барчаси “Қуйи Алгар” маҳалласи томон кетишганлигини, “Қуйи Алгар” маҳалласида бир тепалик олдиға боришганлигини, атрофда ҳеч ким бўлмаганлигини, шундан сўнг улар пулларни санаб кўрганларида, пуллар 90.000.000 сўм чиққанлигини ва шу ерда М.Имомназаров М.Каримовға 15.000.000 сўм, унга 10.000.000 сўм, Б.Латиповға 15.000.000 сўм, Ш.Хурсандмуродовға 15.000.000 сўм бериб, қолган пулларни ўзида олиб қолганлигини, шундан кейин ҳаммаси уй-уйларига тарқалиб кетишганлигини, у “Ипакли” маҳалласи “Халқобод” қишлоғида жойлашган уйига кетганлигини, М.Имомназаров унга берган 10.000.000 сўм пулларни уйидаги ер тўланинг ичида бўлган той сомоннинг орасига яшириб қўйганлигини, шундан сўнг пулларни ишлатишни бошлаганлигини ва Тайлоқ тумани “Жумабозор” маҳалласида жойлашган бозордан 1.500.000 сўмға велосипед сотиб олганлигини, бундан ташқари велосипедға эҳтиёт қисмлари ҳам олганлигини, Ургут тумани Юқори бозоридан 1.000.000 сўмға қора рангли J2 телефони сотиб олганлигини, бундан ташқари онасига 1.000.000 сўм пул берганлигини, қолган пулларни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборганлигини, Тайлоқ тумани “Жумабозор” маҳалласида жойлашган бозорға Ш.Хурсанмуродов билан бирга бориб велосипедға эҳтиёт қисмлари сотиб олганлигини, Ш.Хурсанмуродов билан овқатланганлигини, бозордан чиқишда укаларига ширинлик ва шунга ўхшаш нарсалар сотиб олганлигини, қолган пулларни эса онам Сувонова Бибиҳилолга берганлигини, у ўғирланган пуллардан 10.000.000 сўмини олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборганлигини, ҳозирда ушбу пулларни жабрланувчи Ғ.Саидовға тўлиқ қайтарганлигини, суриштирув жараёнида ЖКБ ходимлари етказилган зарарни ўрнини қоплаш мақсадида унинг яшаш уйидан унинг бир дона велосипедини олиб кетишганлигини, ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини баён қилиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраган.

Судда қонуний вакили Д.Раззоқова иштирокида сўралган вояға етмаган судланувчи Латипов Баҳодир Акбар ўғли ўз кўрсатувида, унга қўйилган айбига иқрорлик билдирмасдан, у 2020 йил 26 май куни ва 2020 йил 28 август куни Ургут тумани “Аълохотин” маҳалласида жойлашган “пайнет” шаҳобчасида содир бўлган ўғирликда иштирок етмаганлигини, у



Ш.Хурсанмуродовдан 10.000.000 пулларни қарзга олганлигини, кейинчалик орадан уч кун ўтиб, у Ш.Хурсанмуродовдан олган пулларни йўқотиб қўйганлигини, тергов давомида ИИБ ходимлари уни урганлиги учун, у унга қўйилган барча айбни бўйнига олиб кўрсатув берган бўлганлигини, у бу ҳақда ҳимоячи Б.Игамовга айтган бўлганлигини, ўша кунларда шифохонага мурожаат қилишига имкони бўлганлигини, бироқ мурожаат қилмаганлигини, ҳозирда терговда берган кўрсатувларини тасдиқламаслигини, уни айби йўқлигини баён қилиб, унга нисбатан қонуний ёрдам беришни сўраган.

Судда қонуний вакили О.Нарзиев иштирокида сўралган вояга етмаган судланувчи Каримов Меҳриддин Саъдулло ўғли ўз кўрсатувида, айбига тўлиқ иқрорлигини, 2020 йилнинг тахминан май ойларида ўзи яшайдиган Ургут тумани “Ипакли” маҳалласидаги уйда маккажўхориларга сув қўйиб турганида, қўшниси Ш.Хурсанмуродов билан Ш.Хурсанмуродовлар унинг олдида келишиб, унга “амакимнинг ерига сув қўйишимиз керак” деб айтишганлигини, у “шошманглар аввал мен сув қўйиб олай кейин Сизлар қўясизлар” деб айтганлигини, шундан сўнг улар унга Ургут тумани “Қуйи Алгар” маҳалласида яшовчи бир қариндошини уйига бирга бориб келишни таклиф қилишганлигини, кейин улар билан айтган қариндошини уйига боришганлигини, у ерга борганларида уларнинг қариндоши Б.Латипов билан унинг уйдан М.Имомназаров чиқиб келганлигини, шунда М.Имомназаров уларга ва йўлдан чиқиб қолган Ю.Хурсанмуродовга “бугун Ургут тумани Аълохотин маҳалласида жойлашган Ғолибни пайнетига ўғирликка кирамиз” деб айтганлигини, шундан сўнг улар бирга Ургут тумани “Аълохотин” маҳалласида жойлашган, кейинчалик билишича Ғ.Сайидовнинг “пайнет” шаҳобчаси олдида бориб, у шу ерда жойлашган светофор олдида турадиган бўлганлигини, қолганлар эса “пайнет” дўконига ўғирликка кирадиган бўлишганлигини, сўнгра Ш.Хурсанмуродовни ичкарига киргизишганлигини, шундан сўнг Ш.Хурсанмуродов “пайнет” шаҳобчасида уч дона телефонларни олиб чиқиб, М.Имомназаровга берганлигини, у бу вақтда светофорнинг олдида қараб турган бўлганлигини, у ерга бошқа бирор киши келмаганлигини, шундан сўнг ҳаммаси бирга Етти уйлик йўлига етмасдан йиғилишганлигини, шу жойда М.Имомназаров “пайнет” шаҳобчасидан олиб чиқилган телефонларни тортиб олганлигини, шунда у М.Имомназаровдан телефонни биттасини беришни айтганида, у қўлида бўлган “нунчак” билан уни бош соҳасига урганлигини, шунда у хушини йўқотганлигини, сўнгра шу ерда бўлган Ш.Хурсанмуродов, Ш.Хурсанмуродов ва Ю.Хурсанмуродовлар сув сепиб уни ўзига келтириб олишганлигини, 2020 йил 27 август куни ҳам у Ургут тумани “Аълохотин” маҳалласида жойлашган Ғ.Саидовга тегишли бўлган “пайнет” шаҳобчасидан пул ўғирлашда ҳам қатнашиб, шунда ҳам у светофорнинг олдида қоровуллик қилиб турганлигини, ўша ўғирликдан М.Имомназаров унга 15.000.000 сўм берганлигини, шу ерда Ш.Хурсанмуродов Б.Латипов ҳам ўғирлик ҳақида билишини айтиб, у учун



10.000.000 сўм олганлигини, тергов давомида уни ИИБ ходимлари урганлиги учун ўғирликда Б.Латипов ҳам бўлган деб кўрсатув берганлигини, лекин Б.Латипов ўғирлик қилишаётганларида бўлмаганлигини, ўғирлик содир бўлганидан икки кун ўтиб М.Имомназаров уйига бориб, унга берган 15.000.000 сўм пулларни қайтариб олганлигини, у ҳозирда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини баён қилиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраган.

Судланувчи Имомназаров Муродулло ва вояга етмаган судланувчи Латипов Баходир Акбар ўғлилар суд терговида айбларига иқрорлик билдирмасдан, вояга етмаган судланувчилар Хурсанмуродов Шертой Шухрат ўғли, Хурсандмуродов Шерниёз Шухрат ўғли, Хурсанмуродов Юнус Зариф ўғли, Каримов Меҳриддин Саъдулло ўғлилар суд терговида айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, уларнинг айблари суд мажлисида сўралган қуйидаги жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувлари билан ўз исботини топди.

Жумладан;

Судда сўралган жабрланувчи Саидов Ғолиб Асқаржон ўғлининг, 2020 йил 28 август куни унга тегишли бўлган “Пайнет” шаҳобчасида содир этилган ўғирлик ҳолати юзасида жиноят иши кўзғатилгандан сўнг у ИИО ходимларига пайнет шаҳобчасида видеотасвирга тушиб қолган ҳолатни ДВД дискка кўчириб уларга тақдим қилганлигини, кейин Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ 2-сон ИИБ ЖКБ ва Тергов бўлими томонидан олиб борилган тезкор суриштирув ҳаракатлари давомида ушбу ўғирлик жиноятини М.Имомназаров, вояга етмаганлар М.Каримов, Б.Латипов, Ю.Хурсанмуродов, Ш.Хурсандмуродов ва Ш.Хурсанмуродовлар содир қилганлиги аниқланганлиги, 2020 йил 26 май куни унинг “пайнет” шаҳобчасидан уч дона қўл телефонлари ҳамда 2020 йил 28 август куни 102.000.000 сўм пуллар ўғирланганлиги аниқланганлиги, ҳозирда судланувчилар томонидан унга етказилган зарарнинг 59.420.000 сўми қопланмасдан келинаётганлиги, ушбу пуллар судланувчилардан ундириб, уларга нисбатан қонуний чора кўришликни сўрашлиги ҳақидаги;

Судда сўралган фуқаровий даъвогар Жакбаров Дилшод Жамол ўғлининг, 2020 йил сентябрь ойининг бошларида Ургут тумани “Алгар” маҳалласида М.Имомназаровни кўриб, унга қўл телефони излаб юрганлигини, агар унда телефони бўлса сотишини айтганлиги, шунда М.Имомназаров унга “агар 1.500.000 сўм пул берсанг мен сенга телефонимни сотаман” деб айтганлиги, шундан сўнг улар телефонни 1.200.000 сўмга келишиб, телефонни синов муддати билан бир кун ишлатганлиги, кейин телефонни ўзига қайтариб берганлиги, чунки телефон қимматлик қилиб, уни телефонни сотиб олишга пули етмай қолганлиги, шундан кейин у қурилиш ишларида ишлаб анча пул жамлаб, М.Имомназаровдан кўк рангли Редми-7 телефон аппаратини 1.100.000 сўмга сотиб олганлиги, у М.Имомназаровдан телефонни ҳужжатларини сўраганимда у унга “ҳужжатлари бор, кейинроқ олиб келиб бераман” деб



айтганлиги, кейинчалик у М.Имомназаровдан сотиб олган қўл телефони ўғирланганлиги аниқланиб, ундан ИИБ ходимлари расмийлаштириб олишганлиги, ҳозирда уни М.Имомназаровга нисбатан даъвоси борлиги ва ундан 1.100.000 сўм пулларини ундириб беришликни сўрашлиги ҳақидаги;

Судда сўралган фуқаровий даъвогар Рўзикулов Миразиз Шокир ўғлининг, у тахминан 2020 йил 21 июль куни ўз ишларини қилиш учун кўчага чиққанида, ўзининг яқин ўртоғи бўлган Савлат билан биргаликда маҳалладаги Эркинни уйини олдидан ўтаётган вақтида унга олдидан таниш бўлмаган бир болани Эркинни уйини олдида кўрганлиги, шунда ўша бола, кейинчалик билишича Ш.Хурсанмуродов унга “ака телефон бор оласизми деб” айтганлиги, ундан “қанақа телефонни сотяпсан” деб сўраганида у унга Редми-8 русумли телефонни кўрсатиб, ушбу телефонни сотишини айтганлиги, кейин ундан “нима сабабдан телефонни сотяпсан” деб сўраганида, у унга Эркинни телефонини бузиб қўйганлигини, пул керак бўлаётганлигини айтганлиги, кейин у унга ўзининг Ж-2 260 русумли телефонни бериб, унинг ўрнига шу телефони олиши мумкинлигини айтганида, у унга “агар менга Ж-2 2360 телефони ва унинг устига 200.000 сўм пулларни берсангиз Сизга телефонимни бераман” деб айтганлиги, шунда у ёнида жами 100.000 сўм пуллари борлигини, бошқа пули йўқлигини айтганида, у унга “майли сотаман” деб қолганлиги, шундан кейин ундан “телефонни хужжатлари борми” деб сўраганида, у унга “хужжатлари бор, эртага олиб келиб бераман” деб айтганлиги, шу билан у Редми-8 телефонини олиб қолганлиги, шундан кейин у Ш.Хурсанмуродовни кўрмаганлиги, у Ш.Хурсанмуродовдан олиб қолган Редми-8 телефонини ўғирланганидан хабари бўлмаганлиги, у ушбу телефонни ўғирланганлигини ИИБ ходимлари уни чақириб, ундан тушунтириш хати олишганида билганлиги, ҳозирги кунда унга 800.000 сўм миқдорда зарар етказилганлиги, унга етказилган 800.000 сўм зарарни ундириб беришликни сўрашлиги ҳақидаги;

Судда сўралган қўшимча гувоҳ Убайдов Мухиддин Мумин ўғлининг, у Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ Ҳузуридаги ТБ суриштирувчиси вазифасида хизмат қилиб келишлиги, судланувчи М.Имомназаров ва бошқаларга нисбатан кўзғатилган жиноят иши бўйича тергов гуруҳига қўйилганлиги, суриштирув ва тергов жараёнида судланувчилар айримлари дастлаб уларга нисбатан қўйилган айбга иқрорлик билдирмасдан, кейинчалик айбларига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув беришганлиги, айнан М.Имомназаров дастлабки 2 та тушунтириш хатида ушбу ўғирлик жиноятида қатнашмаганлигини билдириб ўтган бўлса-да, кейинчалик сўроқ ва юзлаштиришларда унинг айби ўз тасдиғини топганлиги, у ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берганлиги, ушбу жиноят иши бўйича иккита велосипед ЖҚБ ходимлари томонидан ашёвий далил сифатида расмийлаштириб олиниб, терговга тақдим қилинганлиги, суриштирув ва тергов ҳаракатлари давомида ҳеч бир судланувчига нисбатан жисмоний ёки руҳий тазйиқ етказилмаганлиги, сўроқ ва юзлаштиришлар видеотасвирга олиниб,



жиноят ишига қўшилганлиги ҳақидаги;

Судда сўралган қўшимча гувоҳ Эргашев Азиз Абдурасуловичнинг, у Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ Ҳузуридаги ТБ катта терговчиси вазифасида хизмат қилиб келишлиги, ЖҚБ суриштирув ўтказганида, у сўроқ қилганида судланувчи М.Имомназаров дастлаб ўғирлик жиноятида қатнашмаганлигини билдирганлиги, кейинчалик М.Имомназаров айбини бўйнига олиб, кўрсатув берганлиги, судланувчи Б.Латиповда ҳам шундай ҳолат юз берганлиги, бироқ кейинчалик сўроқ ва юзлаштиришларда унинг ҳам айби ўз тасдиғини топганлиги, у ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берганлиги, суриштирув ва тергов ҳаракатлари давомида ҳеч бир судланувчига нисбатан жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилмаганлиги, сўроқ ва юзлаштиришлар видеотасвирга олиниб, жиноят ишига қўшилганлиги ҳақидаги;

Судда сўралган қўшимча гувоҳ Толибов Наим Махмуджоновичнинг, у Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ ЖҚБ бошлиғи вазифасида хизмат қилиб келишлиги, судланувчи М.Имомназаров ва бошқаларга нисбатан кўзғатилган жиноят иши бўйича унинг раҳбарлигида тезкор қидирув ва суриштирув ҳаракатлари олиб борилганлиги, иш бўйича Ш.Хурсандмуродов ва Ш.Хурсанмуродовлардан 2 та велосипед ашёвий далил сифатида расмийлаштириб олиниб, терговга топширилганлиги, Ю.Хурсанмуродовдан ашёвий далил сифатида велосипед олинмаганлиги, тезкор суриштирув ҳаракатлари давомида ҳеч бир судланувчига нисбатан жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилмаганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

Бундан ташқари, иш ҳужжатларида мавжуд суд терговидида таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги инкор қилиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан, яъни,-

-28.08.2020 йилдаги фуқаро Ғ.Саидовдан оғзаки аризани қабул қилиш баённомаси; воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, чизма ва фотожадваллар; тушунтириш хатлари; 12.09.2020 йилдаги 6-сонли эксперт криминалистика хулосаси, фотожадваллар ва бармоқ излари намуналари; далилий ашёни олиш баённомалари; сўроқ баённомалари; тақдим қилинган ашёни кўздан кечириш баённомаси; нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят иши ҳужжатларига қўшиш ҳақидаги қарорлар; юзлаштириш баённомалари; далилий ашёни қадоғини бузиш, нарсани кўздан кечириш баённомаси ва фотожадваллар; кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари ва фотожадваллар; нарсани таниб олиш учун кўрсатиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённома, фотожадваллар; жабрланувчи, фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш ҳақидаги қарорлар ҳамда жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд судланувчи М.Имомназаров ва вояга етмаган судланувчи Б.Латиповларнинг 2020 йил 26 май куни ва 2020 йил 28 август куни содир этилган ўғирлик жиноятларида қатнашмаганликлари ҳақидаги важлари судда сўралган вояга етмаган судланувчи Ш.Хурсандмуродов,



Ю.Хурсанмуродовларнинг кўрсатувлари, уларнинг ўзлари дастлабки тергов даврида берган кўрсатувлари, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш баённомалари ва фотожадваллар билан тўлиқ инкор қилинади ҳамда уларнинг ушбу важлари жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида ўйлаб топилган важлар деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи М.Имомназаровнинг жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми “б” билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга, суд судланувчи М.Имомназаров, вояга етмаган судланувчи Ш.Хурсанмуродов, Ш.Хурсандмуродов, Ю.Хурсанмуродов, М.Каримов ва Б.Латиповларнинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 29-моддасининг 4-қисмига биноан уюшган гуруҳ деб икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши тушунилади.

Қонун мазмунига кўра, жиноий гуруҳни уюшган деб квалификация қилиш учун асосий мезон тариқасида, масалан, гуруҳнинг барқарорлигини, унда ташкилотчининг бўлишини, одатда, бир неча жиноятни содир этиш мақсадида тузилганлигини, жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлигини, ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлигини, техника билан таъминланганлигини, жиноятни яшириш чоралари кўрилганлигини, умумий интизомга ва жиноий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилинишини ва шу кабиларни ҳисобга олинади, шунингдек, жиноятни содир этишда уюшган гуруҳнинг барқарорлик белгиси кўпинча гуруҳ жиноий фаолиятнинг жиноий ихтисослаштирилганлигида ифодаланади.

Суд, судланувчи М.Имомназаров, вояга етмаган судланувчи Ш.Хурсанмуродов, Ш.Хурсандмуродов, Ю.Хурсанмуродов, М.Каримов ва Б.Латиповларлар ўзганинг мол-мулкани кўлга киритиш мақсадида олдиндан бир гуруҳга бирлашганлиги, уларнинг келгусида жиноий фаолият олиб бориш учун уюшган гуруҳга бирлашмаганлиги, судланувчилар томонидан бир қанча жиноятларни содир этиш режалаштирилмаганлиги ва унинг қисмлари ишлаб чиқилмаганлиги, уюшган гуруҳ иштирокчиларининг вазифалари тақсимланмаганлиги, жиноятни яшириш чоралари кўрилмаганлиги, жиноий гуруҳда қаттиқ ички интизомга ва ташкилотчининг кўрсатмаларига бўйсуниб мавжуд эмаслигини эътироф этиб, судланувчиларнинг жиноий ҳаракатларида уюшган гуруҳнинг аломатлари мавжуд эмас, деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра судланувчилар М.Имомназаров, вояга етмаган судланувчи Ш.Хурсанмуродов, Ш.Хурсандмуродов, Ю.Хурсанмуродов, М.Каримов ва Б.Латиповларнинг ўғирлик, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан жиноий тил бириктириб, ўзганинг кўп миқдордаги мол-мулкани яширин равишда талон-тороғ қилишда ифодаланган жиноий



ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “в” бандидан ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” бандига квалификация қилишни лозим деб ҳисоблайди

Суд, судланувчи М.Имомназаровнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб, жиноятни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи М.Имомназаровга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, жиноятни келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятини, шахсини, ёшини, оилавий шароитини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кунидаги №1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, содир этилган жинояти оғир жиноятлар туркумига киришлигини, шахсини, ёшини, оилавий шароитини, жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини инobatга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми “б” банди ва 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, тайинланган жазоларга ЖКнинг 59-моддасини татбиқ этишни, жазо миқдорини белгилашда етказилган мулкӣ зарарлар қопланмаганлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг даъвоси борлигини инobatга олишни, қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни лозим топади.

Суд, судланувчи Ш.Хурсанмуродовнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, унинг айбига иқроп ва қилмишидан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Ш.Хурсанмуродовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, жиноятни келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятини, шахсини, ёшини, вояга етмаганлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кунидаги №1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, содир этилган жинояти оғир жиноятлар туркумига киришлигини, шахсини, ёшини, вояга етмаганлигини, жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, етказилган мулкӣ зарарлар қопланмаганлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг даъвоси борлигини инobatга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 85-моддасини татбиқ этган ҳолда модда санкциясида назарда тутилмаган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам енгилроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазо миқдорини белгилашда айбини енгиллаштирувчи ва айбини оғирлаштирувчи ҳолатларини инobatга олишни, қўлланилган “шахсий кафилликка бериш” тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириб, дарҳол суд залидан қамокқа олишни лозим топади.



Суд, судланувчи Ш.Хурсандмуродовнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, унинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Ш.Хурсандмуродовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, жиноятни келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятини, шахсини, ёшини, вояга етмаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кунидаги №1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, содир этилган жинояти оғир жиноятлар туркумига киришлигини, шахсини, ёшини, вояга етмаганлигини, жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, етказилган мулкӣ зарарлар қопланмаганлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг даъвоси борлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 85-моддасини тадбиқ этган ҳолда модда санкциясида назарда тутилмаган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам енгилроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазо миқдорини белгилашда айбини енгиллаштирувчи ва айбини оғирлаштирувчи ҳолатларини инобатга олишни, қўлланилган “шахсий кафилликка бериш” тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириб, дарҳол суд залидан қамоққа олишни лозим топади.

Суд, судланувчи Ю.Хурсанмуродовнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, унинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Ю.Хурсанмуродовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, жиноятни келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятини, шахсини, ёшини, вояга етмаганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кунидаги №1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, содир этилган жинояти оғир жиноятлар туркумига киришлигини, шахсини, ёшини, вояга етмаганлигини, жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, етказилган мулкӣ зарарлар қопланмаганлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг даъвоси борлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 85-моддасини тадбиқ этган ҳолда модда санкциясида назарда тутилмаган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам енгилроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазо миқдорини белгилашда айбини енгиллаштирувчи ва айбини оғирлаштирувчи ҳолатларини инобатга олишни, қўлланилган “шахсий кафилликка бериш” тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд залидан қамоққа олишни лозим топади.

Суд, судланувчи М.Каримовнинг жиноят содир этишдаги



ҳолатларига баҳо бериб, унинг айбига иқрор ва қилмишидан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи М.Каримовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, жиноятни келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятини, шахсини, ёшини, вояга етмаганлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кундаги №1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, содир этилган жинояти оғир жиноятлар туркумига киришлигини, шахсини, ёшини, вояга етмаганлигини, жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, етказилган мулкӣ зарарлар қопланмаганлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг даъвоси борлигини инobatга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 85-моддасини татбиқ этган ҳолда модда санкциясида назарда тутилмаган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам енгилроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазо миқдорини белгилашда айбини енгиллаштирувчи ва айбини оғирлаштирувчи ҳолатларини инobatга олишни, қўлланилган “шахсий кафилликка бериш” тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд залидан қамокқа олишни лозим топади.

Суд, судланувчи Б.Латиповнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, унинг вояга етмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ёки бошқа паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Б.Латиповга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, жиноятни келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятини, шахсини, ёшини, вояга етмаганлигини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кундаги №1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, содир этилган жинояти оғир жиноятлар туркумига киришлигини, шахсини, ёшини, вояга етмаганлигини, жиноятнинг келиб чиқиш сабабларини, етказилган мулкӣ зарарлар қопланмаганлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг даъвоси борлигини инobatга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан ЖКнинг 85-моддасини татбиқ этган ҳолда модда санкциясида назарда тутилмаган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам енгилроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, жазо миқдорини белгилашда айбини енгиллаштирувчи ва айбини оғирлаштирувчи ҳолатларини инobatга олишни, қўлланилган “шахсий кафилликка бериш” тарзидаги эҳтиёт чорасини бекор қилиб, дарҳол суд залидан қамокқа олишни лозим топади.

Суд ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлашни ва иш бўйича хужжатлаштириб олинган 9.486.000 сўм ва 300 АҚШ доллари жабрланувчи Ғ.Саидовга тилхат орқали



қайтарилганлиги инобатга олишни лозим топади.

Шунингдек суд, судланувчи М.Имомназаров, Шертой Хурсанмуродов ва Шерниёз Хурсанмуродовларнинг қонуний вакили Раззоқова Дилафруз Шарофиддиновна, Ю.Хурсанмуродовнинг қонуний вакили Сувонова Бувихол Саидмуродовна, Б.Латиповнинг қонуний вакили Раззоқова Дилрабо Шарофиддиновна, М.Каримовнинг қонуний вакили Нарзиев Олмос Саъдуллоевичлардан жабрланувчи Ғ.Саидовнинг фойдасига 59.420.000 сўм, фуқаровий даъвогар Д.Жакбаровнинг фойдасига 1.100.000 сўм, М.Рузикулов фойдасига 800.000 сўм пулларни солидар тартибда ундиришликни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 211, 454-457, 463, 465-468, 471, 473, 475-476-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

1) Имомназаров Муродулло (Imomnazarov Murodullo) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми “б” банди ва 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан айбли деб топилсин.

М.Имомназаровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 127-моддаси 3-қисми “б” банди билан, 5 (беш) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

М.Имомназаровга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан, 5 (беш) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоларини қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун 6 (олти) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони умумий тартибли колонияларда ўташлик белгилансин, жазони ўташ муддати 2020 йил 11 октябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

М.Имомназаровга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

2) Вояга етмаган Хурсанмуродов Шертой Шухрат ўғли (Xursanmurodov Shertoy Shuxrat o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан айбли деб топилсин.

Ш.Хурсанмуродовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан, ЖКнинг 85-моддасига асоан 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони тарбия колонияларда ўташлик белгилансин, жазони ўташ муддати 2021 йил 29 январь кунидан бошлаб ҳисоблансин. ¹⁸

Судланувчи Ш.Хурсанмуродовга нисбатан қўлланилган “шахсий кафилликка бериш” эҳтиёт чораси “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва дарҳол суд залидан қамокқа олинсин.



3) Вояга етмаган Хурсандмуродов Шерниёз Шухрат ўғли (Xursandmurodov Sherniyoz Shuxrat o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан айбли деб топилсин.

Ш.Хурсандмуродовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан, ЖКнинг 85-моддасига асосан 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони тарбия колонияларда ўташлик белгилансин, жазони ўташ муддати 2021 йил 29 январь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ш.Хурсандмуродовга нисбатан қўлланилган “шахсий кафилликка бериш” эҳтиёт чораси “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва дарҳол суд залидан қамокқа олинсин.

4) Вояга етмаган Хурсанмуродов Юнус Зариф ўғли (Xursanmurodov Yunus Zarif o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан айбли деб топилсин.

Ю.Хурсанмуродовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан, ЖКнинг 85-моддасига асосан 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони тарбия колонияларда ўташлик белгилансин, жазони ўташ муддати 2021 йил 29 январь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ю.Хурсанмуродовга нисбатан қўлланилган “шахсий кафилликка бериш” эҳтиёт чораси “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва дарҳол суд залидан қамокқа олинсин.

5) Вояга етмаган Каримов Меҳриддин Саъдулло ўғли (Karimov Mehridin Sa'dullo o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан айбли деб топилсин.

М.Каримовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан, ЖКнинг 85-моддасига асосан 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони тарбия колонияларда ўташлик белгилансин, жазони ўташ муддати 2021 йил 29 январь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи М.Каримовга нисбатан қўлланилган “шахсий кафилликка бериш” эҳтиёт чораси “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва дарҳол суд залидан қамокқа олинсин.

6) Вояга етмаган Латипов Баҳодир Акбар ўғли (Latipov Bahodir Akbar o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан айбли деб топилсин.

Б.Латиповга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в” банди билан, ЖКнинг 85-моддасига асосан 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазони тарбия колонияларда ўташлик белгилансин, жазони ўташ муддати 2021 йил 29 январь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Б.Латиповга нисбатан қўлланилган “шахсий кафилликка бериш” эҳтиёт чораси “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига



ўзгартирилсин ва дархол суд залидан қамоққа олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона ДВД диск жиноят иши билан бирга сақлансин ва иш бўйича ҳужжатлаштириб олинган 9.486.000 сўм ва 300 АҚШ доллари жабрланувчи Саидовга тилхат орқали қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Судланувчи М.Имомназаров, Шертой Хурсанмуродов ва Шерниёз Хурсанмуродовларнинг қонуний вакили Раззоқова Дилафруз Шарофиддиновна, Ю.Хурсанмуродовнинг қонуний вакили Сувонова Бувихол Саидмуродовна, Б.Латиповнинг қонуний вакили Раззоқова Дилрабо Шарофиддиновна, М.Каримовнинг қонуний вакили Нарзиев Олмос Саъдуллоевичлардан жабрланувчи Ғ.Саидовнинг фойдасига 59.420.000 (эллик тўққиз миллион тўрт юз йигирма минг) сўм, фуқаровий даъвогар Д.Жакбаровнинг фойдасига 1.100.000 (бир миллион юз минг) сўм, М.Рузиқулов фойдасига 800.000 (саккиз юз минг) сўм пуллар солидар тартибда ундирилсин.

Хукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига шикоят бериши ёки прокурор протест билдиришга ҳақли эканлиги, белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья:

А.Ахмадов

Халқ маслаҳатчилари:

С.Ашуров

С.Хамдамов

